



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 4-iyun. Seshanba 67 (31.657)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Сийсий партия ўз олдига қўйган мақсадларига эришиши учун, аввало, дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, электоратини ўйлантираётган масалаларни изчил ўрганиши, барча даражадаги депутатлик гуруҳлари ваколатидан фойдаланиб, муаммолар ечимига жавоб топиши зарур.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Партия электорати манфаатини ҳимоя қилиш, аввало, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг ташаббускорлиги ва фаоллигига боғлиқ. Партиямиз Ҳаракат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ўтган йили Сурхондарё вилоятининг халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан 18 та масала ўрганилиб, сессиялар муҳокамасига киритилди. Депутатларимизнинг бевосита ташаббуси билан эса 3 та масала сессияларда кўриб чиқилди.



ТАШАББУС КЎРСАТИШ

партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг мезонига айланиши лозим

2-бет

Истиқлол имкониятлари



ХОРАЗМ: ТУРИЗМ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, Хоразм, «Ўзбек давлатчилигининг илк таъмал тоши қўйилган муқаддас замин!» Инсоният тамаддуни ўчоқларидан ҳисобланмиш бу қўҳна юртдан не-не буюк алломалар, қомусий олимлар, аҳли донишлар, авлиё-анбиёлар етишиб чиққан. Бунёдкор боболаримиз яратган осори атиқалар, осмонўпар нилый гумбазлар, минора-ю мадрасаларни кўришга бўлган қизиқиш Европа-ю Осиё у ёқда турсин, баҳри муҳит ортидаги элқезар сайёҳлар учун орзу-ҳавасга айланмоқда.

Истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, ўз нуфузи, шон-шавкатига эга бўлиб бораётган жаннатмакон юртимиздаги қадим шаҳарлар ва қалъалар, маданият ўчоқларини кўриш, зиёрат қилиш учун етти иқлимдан келаётган сайёҳларнинг сони йилдан-йилга ошмоқда. Жаҳон бизнинг мўътабар юртимизни кўришга орзуманд.

3-бет

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЭЛЕКТОРАТГА ЭНГ ЯҚИН БЎҒИН

Ҳар бир сийсий партиянинг ўз дастури, ғояси, мақсади бор. Уларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Жамият муайян қатламнинг манфаатини самарали ҳимоя қилиш бир неча омилларга боғлиқ, албатта. Аммо ҳаётий тақлифларни илгари суриш ва уларни амалга ошириш йўлида изчил иш олиб боришда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутаяди. Улар фаолиятини кучайтириш орқали сийсий партия дастурий мақсадларини амалга оширишда самарали натижага эришиши мумкин.

Бугун бошланғич партия ташкилотлари зиммасига юкланаётган вазифалар кўламли кенг. Улар изчил амалга оширилса, одамлар орасига чуқурроқ кириб борилса, электоратни ўйлан-

йил май ойининг охирига қадар 20 нафар асосан ташаббускор йигит-қизлар сафимизга қўшилди.

Маълумки, бошланғич ташкилот фаолиятидаги устувор вазифалардан бири аъзолар, тарафдорлар, электоратнинг ижтимоий-сийсий фаоллигини оширишдан иборатдир. Сийсий ва фуқаролик маърифати тизимида олиб борилаётган ишларда биринчи галда шунга алоҳида эътибор қаратаймиз. Эркин мулоқот тарзидаги учрашувларни кўпроқ ўтказиш, аъзоларнинг фикрларини тинглаш ҳамда муҳокама этишга кенг ўрин берилаяпти. Энг муҳими, бу одамларимизда ислохотлар тақдирига дахлдорлик туйғуси мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

→ 2

Депутат ва ҳаёт

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН БЎЛГАН УЧРАШУВЛАРДАН КУЧ ОЛАМАН

дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова

Май ойининг охирига ҳафтасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Чортоқ туманининг Ойқирон шаҳарчасида Ўрикзор маҳалласи бор. Адирлар бағрида жойлашган мазкур маҳаллада яшайдиган аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Буни у ерда кичик ишлаб чиқариш, оилавий тадбиркорлик ривожланаётгани, учраётган айрим масалалар ҳамжиҳатлик билан ҳал этилаётганида кўриш мумкин.

Дилбар Холиқова сайловчилар билан учрашувларини худди шу маҳалладан бошлади. Учрашув расмий тадбир, мажлис шаклида эмас, ноодатий бўлди. Сайловчилар Ўлмасой Қорабоева хонадонига ҳам пилла териш ҳашарига, ҳам депутат билан мулоқотга келишди.

Кизгин суҳбатда Оила кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун, Меҳнат кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти ва ёшларни ишга жойлаштиришнинг ҳуқуқий асослари такомиллашганлиги ҳақида сайловчилар кўплаб саволлар билан мурожаат этишди. Депутат уларнинг ҳар бирига батафсил жавоб қайтарди, учрашувга келганларнинг жойларда қонунлар ижроси билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини тинглади.

— 25-30 нафар киши ишлайдиган ҳар бир жамоа учун албатта битта тибиёт ходими

штати ажратилиши заруратга айланмоқда, — деди Чортоқ тибиёт коллежи директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Мавлуда Мамажонова коллежда бўлиб ўтган учрашув чоғида. — Бу жамоа аъзоларининг сиҳат-саломатлигига, тибиёт маданиятининг юксалишига хизмат қилади. Шунингдек, тибиёт коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтиради. Тумандаги касб-хунар коллежлари ўқувчилари ва ўқитувчилари қатнашган мазкур учрашув-мулоқотда коллеж битирувчилари билан тузилаётган уч томонлама шартномаларнинг амалдаги ижроси, олдинги йилларда бу борада юзага келган айрим муаммолар юзасидан ҳам савол-жавоблар бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

БУ ГАЛГИ УЧРАШУВЛАРДА АҲОЛИНИНГ ҚОНУНЧИЛИКДАН ХАБАРДОРЛИГИ, ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИ ЮКСАЛИБ БОРАЁТГАНИ ЯҚҚОЛ КЎРИНДИ.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг муҳим омилли

→ 2

ҲАР ҚАДАМДА ШИРИНЛИК

бу фойдами ёки зарар?

→ 3



ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР АРАФАСИДА

→ 4



«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР СИФАТИНИ ОШИРИШ



аҳоли турмуш шароитини яхшилашнинг муҳим омилли

www.uzbekistonovozi.uz

Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

электрот манфаатини ҳимоя қилишнинг муҳим омили



Тараққиётнинг ҳозирги босқичида ҳаётимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли янада кучаймоқда. Шу боис ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда ижтимоий шерикчилик тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб борапти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз электорати манфаатидан келиб чиқиб, ижтимоий шерикчиликни кенгайтирмоқда. Айниқса, «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази» лойиҳасини амалга ошириш жараёнида бу муносабатлар яққол намоён бўляпти.

Солиқ кўмитаси вилоят бошқармаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вакиллари иштирок этди.

Меҳрож ДАРХОНОВ, ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари:

— Қонунчилигимизга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар натижасида маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказига айланмоқда. Унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ва фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бериш бўйича ваколатлари кенгайтириш. Бу эса аҳолининг ижтимоий қўмакка муҳтож

қатлами манфаатини ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу боис бугун маҳаллалар ҳаётини ўрганиш, электротари уйлантираётган масалаларга эътиборни янада кучайтириш, аҳолини мамлакатимизда кечаётган демократик ислохотлар моҳияти билан чуқур таништириш мақсадида мазкур лойиҳани амалга оширяпти. Фуқаролар ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, жойларда учраётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, давлат дастурлари ижросини таъминлаш устидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда сиёсий партия депутатлик гуруҳлари ва маҳалла ҳамкорлиги жуда яхши самара беради, деб ўйлайман.

Мирзамайт МИРСОЛИЕВ, Бўстонлик туман давлат солиқ инспекцияси масъул ходими:

— Оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, одамларнинг ўз ишини йўлга қўйиши учун имкониятларнинг тобо-

ра кенгайтиши кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатлари таъминланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар учун қатор енгиллик ва имтиёзлар мавжуд. Ҳусусан, улар фақат ягона ижтимоий солиқ тўлайди. Қолаверса, турар-жойда фаолият кўрсатаётган оилавий корхона коммунал тўловлар учун жисмоний шахсларга белгиланган тарифларда ҳақ тўлайди.

Бироқ шунга қарамай, ҳозирги кунда туманимизда оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар сони унчалик кўп эмас. Сабаби, бу каби имтиёزلарни аҳолига кенг тушуштириш, тарғиботни кучайтириш керак. ЎзХДП томонидан ўтказилаётган мазкур тадбир оилавий тадбиркорликнинг афзалликлари тушуштириш, фуқароларни солиқ имтиёзлари билан яқиндан таништириш имконини бери.

Анвар ВАҲОБОВ, Бўстонлик туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходими:

— Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ, жорий йилда туманимизда 4800 дан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган. Булар асосан касаначилик, хунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда ишламай турган корхоналар фаолиятини қайта йўлга қўйиш ҳисобига тўри келади.

Бандлик масаласида асосан иш топишда қийинчиликка дуч келаётган, кам таъминланган кишилар, касб-хунар қўлақлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга катта эътибор берилаяпти.

Шунингдек, жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар манфаатларини кўзлаб, корхона-ташкilotларда иш ўринлари захирасини шакллантириш ҳам муҳим масала. Йил бошидан бери 116 захира иш ўрнига фуқаролар ишга жойлашди.

ЎзХДП билан ҳамкорлигимиз бизнинг фаолиятимиз самарадорлиги учун ҳам жуда аҳамиятли бўлмоқда. Шу боис Ўзбекистон ХДП томонидан ўтказилаётган бу каби тадбиркорлик кўпроқ ташкил этиш, ижтимоий шериклик асосида жамоат ташкilotларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш лозим, деб ўйлайман.

Тадбир давомида маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, партия фаоллари ва электрот вакилларининг жойлардаги турли масалалар, уларни ҳал этишда эътибор қаратилиши зарур бўлган жойлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалар тингланди. Билдирилган тавсия ва ҳаётий тақлифлар электрот манфаатлари ҳимоясини таъминлашда, ижтимоий шериклик асосидаги муносабатларни мустақамлашда долзарб аҳамиятга эга.

Нурали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

ТАШАББУС КЎРСАТИШ

партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятининг мезонига айланиши лозим

ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши Термиз шаҳрида партия ташкilotлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг фаолиятини кучайтириш масалаларига бағишлаб ўтказган амалий семинарда бу маълумотлар қайд этилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур семинарда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари раҳбарлари, фаоллари ва электрот вакиллари иштирок этди. Тадбирда ютуқлар билан бирга, партия ташкilotлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги мавжуд камчиликлар ҳам таҳлил этилди.

— «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат қарорларининг бажарилиши тўғрисида»ги масала Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Сарисий ва Қумқўрғон туманларидаги депутатларимиз томонидан ўрганилиб, халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилди. — деди **ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Иброҳим Ёқубов.** — Шунингдек, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Узун ва Кизирик туманларида ҳам депутатларимиз томонидан аҳолига кўрсатилмаётган коммунал хизматлар сифати ва мутасадди корхоналар масъулиятини ошириш, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий инфратузилмани шакллантириш масалаларида муайян ишлар амалга оширилди.

Аммо шунга қарамай, фаолиятимиз бугунги кун талаби даражасида

(Давоми. Боши 1-бетда.)



эмаслигини тан олишимиз лозим. Жойларда электротартибимиз манфаатига дахлдор муаммоларни ўз вақтида кўтариб чиқмаяптимиз. Биз ижтимоий масалаларни нафақат вакиллик ҳокимияти муҳокамасига олиб чиқишимиз, балки, уларни ҳал этиш юзасидан ўз позициямизни билдиришимиз, муқобил тақлифларни илгару суришимиз зарур. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари олдида турган энг муҳим вазифалардан яна бири доимий комиссия ҳамда сес-

сияларда қабул қилинган қарорлар ижроси юзасидан мунтазам назорат олиб боришдир.

— Маҳаллий партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятини тизимли ташкил қилиш электротари уйлантираётган масалаларни ўрганиш ва ечимини топишда муҳим аҳамиятга эга, — деди **Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлини масъул мутахассиси Уткир Холбадалов.** — Маълумотларга қа-

«Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уй-жой учун имтиёзли ипотека кредитлари ажратиш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат қарорларининг бажарилиши тўғрисида»ги масала Ангор, Бойсун, Жарқўрғон, Сарисий ва Қумқўрғон туманларидаги депутатларимиз томонидан ўрганилиб, халқ депутатлари туман Кенгашлари сессияларида кўриб чиқилди.

Депутат ва ҳаёт

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН БЎЛГАН УЧРАШУВЛАРДАН КУЧ ОЛАМАН

дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП

фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова

— Олдинги учрашувларда асосан «Банкдан неча фоизга кредит олиш мумкин?», «Кредит ўз вақтида қайтарилмаसा нима бўлади?» каби саволлар кўпроқ бўларди, — дейди депутат. — Аҳолининг қонунчиликдан хабардорлиги, ҳуқуқий маданиятининг юксалаётгани бу галги учрашувларда яққол кўринмоқда. Чортоқ спорт коллежи талабаси Қонунчилик палатасидаги партиялар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

фракциялари ўртасидаги рақобат ҳақида сўради. Ёшлардан яна бири оддий кишилар қонун ижодкорлиги жараёнида қатнашиши, ўз тақлифларини билдиришнинг механизми ҳақида қизиқди. Кўриниб турганлиқдан хабардорлиги, ҳуқуқий маданиятининг юксалаётгани бу галги учрашувларда яққол кўринмоқда. Чортоқ спорт коллежи талабаси Қонунчилик палатасидаги партиялар

44-Тўрақўрғон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров сайловчилар билан учрашувлар чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар самаралари ҳақида сўз юритди. Тўрақўрғон туманининг Шаҳанг, Оқтош қишлоқ фуқаролар йиғинлари, Мингбулоқ туманининг Олтинкўл қишлоғида бўлган мулоқотларда депутатнинг парламентдаги қонун ижодкорлиги жараёни, қабул қилинаётган янги қонунлар ҳақидаги ахборотлари қизиқиб билан тингланди.

Шунингдек, депутат ўз сайлов округида ишлаш жараёнида қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижроси, яна қандай қонунларга эҳтиёж сезилаётгани, аҳолини бугун қандай муаммолар уйлантираётгани билан боғлиқ масалаларни ўрганди.

Учрашув-мулоқотларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, доимий комиссиялар раислари, партия вилоят ва туман кенгашларининг масъул ходимлари фаол қатнашди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЭЛЕКТОРАТГА ЭНГ ЯҚИН БЎҒИН

Ўтган йил давомида 30 дан ортиқ ана шундай учрашув, семинар ва давра суҳбати ўтказилди. «Мустаҳкам оила — жамият таянчи», «Хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш», «Сиёсий-ҳуқуқий билимга эга

шахс жамиятда муносиб ўрин топади» каби мавзулардаги тадбирларда нафақат партия аъзолари, балки муассасамизда фаолият кўрсатаётган бошқарув фаоллигини ошириш», «Сиёсий-ҳуқуқий билимга эга

ОЧИҒИНИ АЙТИШ КЕРАК, ИШИМИЗДА ҲАЛИ КАМЧИЛИКЛАР КЎП. ПАРТИЯМИЗ ЭЛЕКТОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ФУҚАРОЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИБ, ТАҚЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ, УЛАРНИ ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАРГА ЕТКАЗИШ БОРАСИДА АМАЛИЙ ИШЛАРИМИЗНИ КЎПАЙТИРИШ ЗАРУР.

Зеро, бошланғич ташкилот мазкур йўналишда фаоллик, ташаббус кўрсатмас экан, сиёсий партия кўзлаган мақсадида ета олмайд.

Менимча, аввало, ҳудудий партия кенгашлари ва депутатлар билан ишлашни тақомиллаштириш лозим. Айрим ҳолларда шундай масалалар учрайдими, уларни депутатлар ва бошланғич партия ташкилотларининг куч ҳамда имкониятларини бирлаштириш орқали ечиш мумкин. Демак, электрот манфаатини ҳимоя қилиш, ижтимоий масалаларни ҳал этишда депутатларга суяниб иш тутиш, масъулиятни кучайтириш замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Яқинда бошланғич партия ташкилотимизнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Унда партия дастурий мақсад-

ларини рўйбга чиқаришга амалий жиҳатдан ҳисса қўшиш борасида фаоллар кўплаб тақлифлар айтишди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда партиядошларим менга яна бир бор ишонч билдириб, янги муддатга бошланғич партия ташкилоти раиси этиб сайлашди. Бу ишонч зиммамга катта масъулият юклайди. Партиядошларимиз сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллигини ошириш, дастурий мақсадларимиз ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қиламан. Агар ҳар бир аъзо ҳамда ҳар бир партия ташкилоти, депутатларимиз ҳамжиҳат бўлиб ишласак, қўзлаган мақсадимизга албатта эришамиз, деб ўйлайман.

Дилбар ШАРИПОВА, Бухоро вилоят Онкология диспансерида фаолият юритаётган ЎзХДП бошланғич ташкилоти етакчиси.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ХОРАЗМ:
ТУРИЗМ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ



ҲАР ҚАДАМДА ШИРИНЛИК

БУ ФОЙДАМИ ЭКИ ЗАРАР!

Жаҳон тиббиёти статистикаси 2012 йилда Европа ва АҚШда қандли диабет (модда алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келадиган ва сийдикнинг кўпайиши билан кечадиган касаллик) билан хасталанганлар сони ортганини кўрсатди. Йилга юз минглаб кишилар бу касалликка йўлқмоқда.



«Мир новостей» газетасининг хабарига кўра, биргина Буюк Британиянинг ўзида аҳолининг 5 фоизи шу хасталикка чалинган. Олимлар бунга сабаб таркибида ширинлик мавжуд бўлган маҳсулотлар кўп истеъмол қилинишидир, деб ҳисобламақда. Дарҳақиқат, ҳар бир темир йўл вокзали, аэропорт, дўконларда, кичик тамаддихоналарда ва бошқа шохчаларда турли ширинликлар, жумладан, печенье-лар, булочкалар ва яна бошқа-бошқа егуликлар, газли, ширин салқин ичимликлар тикилиб ётибди. Ҳатто соғломлаштириш маскани бўлмиш тренажёр залларида ҳам бу маҳсулотларни учратиш мумкин.

Шунингдек, Дишон қалъада муқаддам мавжуд бўлган сакизта дарвозадан тўрттаси қайта тикланган. Дишон қалъанинг йўқолиб кетган деворларининг бир қисmini асл тарихий ҳолида тиклаш қадим шахарга бошқа кўрк бериши шубҳасиз.

Қисқаси факатгина Хива шаҳри ва унинг атрофидаги 32 та тарихий-меморий ёдгорлиқни тўлиқ таъмирлаш ишлари икки йилда поёнига етиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, вилоятнинг бошқа бир қатор туманларидаги тарихий обидаларга ҳам иккинчи умр бахш этилади. Жумладан, Ҳазораспдаги Дев қалъа, Боготдаги Қалъажик қалъа, Шовотдаги Катқалъа тарихий-меморий ёдгорлиқларини қисман ёки бутунлай қайта тиклаш, шаҳардаги Суратлар галереяси, Янгирек туманидаги Шайх Мухтор Валӣ мақбарасида реконструкция ишлари амалга оширилди.

Мазкур кенг қўламдаги таъмирлаш ишлари учун салкам етти миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфлангани режалаштирилган. Бу маблағнинг катта қисми 4 миллион 260 минг АҚШ доллари миқдори давлат бюджети маблағлари, қолганлари ажратилган грант маблағлари ҳисобига тўғри келади.

Бугун воҳода одамлар ўртасида ҳар бир сўхтада, даврада Юртбошимизнинг вилоятга бўлган катта эътиборига миннатдорчилик сўзлари эшитилди. Кексаларнинг қўли дуода, ёшлар эса сайёҳлик тизими кирувчи қўлданд-қўп ҳизмат соҳаларига ишга кириш орузида. Дарвоқе, сайёҳлик тизими учун малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам дастурда кенг ўрин берилган.

Янгидан очилажак иш ўринларидаги Хива ва Урганч шаҳарларидаги туризм касб-ҳунар коллежлари битирувчилари қабул қилинади. Хоразмин янада юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлари тарихий ишлар, барпо этилаётган иншоотларни бугун яратилаётган буюк обидалар, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, давлат дастурлари ижросини таъминлаш жараёнида қурилиш, саноат, транспорт, савдо, маъшият хизмат каби соҳаларда минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон овози» муҳбири.

Реклама ўрнида

фаҳр-ғурур уйғотадиган таққос!

Бугуннинг обидалари

Юртбошимиз қабул қилган тарихий қарор билан тасдиқланган дастурда вилоятдаги тарихий-маданий ёдгорликларни тўла таъмирлаш ҳақида аниқ, манзилли рўйхат келтирилган.

Унга кўра, жами 39 та тарихий меъморий ёдгорлик қайтадан тўлиқ таъмир қилиниши белгиланган. Уларнинг айрим-айримларини келтириб ўтамоғимиз керак. Хива туманидаги «Тўрт Шов-воз» меъморий-тарихий обидасини 2013-2014 йилларда тўлиқ таъмирлаш учун 400 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган. Ўзбекистон темир йўллари бўғаси бўлган Хива туманидаги «Тўрт Шов-воз» меъморий-тарихий обидасини 2013-2014 йилларда тўлиқ таъмирлаш учун 400 минг АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратилган.

Шунингдек, Фарғона, Қарши, Термиз, Самарқанд шаҳарлари билан ҳам доимий авиакатновлар йўлга қўйилиши режалаштирилган.

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК томонидан Урганч шаҳри билан Бухоро, Самарқанд ва Тошкент йўналишларидаги йўловчи поездлар қатновини кўпайтириш, шунингдек, «Урганч — Бухоро — Қарши — Термиз» йўналишида ҳафтасига икки марта йўловчи поезд қатновини йўлга қўйиш режалаштирилган.

Самолётлар, йўловчи поездларда таъмир бўлган сайёҳларни Хива ҳамда бошқа туристик йўналишларга ўз вақтида етказиш учун амалдаги йилда 25 та ва келгуси йил яна 25 та янги руслар учун автобуслар келтирилади. Урганч ва Хива шаҳарлари ҳамда Урганч — Хива автомобил йўли яқинида барча қулайликларга эга автобус парклари ва тўхташ жойлари барпо этилиши ҳам мазкур дастурда кўзда тутилган.

Янги иш ўринлари Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ҲўХДП депутатлиги руҳи аъзоси Ҳўқимбой Ҳўдайёназаровнинг мухтабаргина эътирофини мақоламининг шундан келтириш лозим топди: «Воҳода туризмни ривож-лантириш бўйича қабул қилинган дастур ёшларни иш билан таъминлашда жуда катта им-кониятлар яратади. Айтмики, биз-нинг электоратимиз учун. Дастур тўла амалиётга айланган, минглаб чет тилини билган, иш билан касб-ҳунар эгалларига ёшлар учун бу жуда катта ғам-ғўрилик! Хали бу бошлангани. Давлат раҳбарлари томонидан бир вилоят бўйича тўртта дастурнинг қабул қилиниши эса тарихларга татий-диган ишдир. Бу бунёдкорлик жараёнида озми-кўпми меҳнатимиз билан иштирок этишимиз бизлар учун ҳам масъулият, ҳам шараф — ҳам тарихга дахлдорликдир!»

Дарҳақиқат, давлат дастурлари ижросини таъминлаш жараёнида қурилиш, саноат, транспорт, савдо, маъшият хизмат каби соҳаларда минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон овози» муҳбири.



Иккигина меҳмонхона бўларди... Бундан йигирма йил олдин қадим Хивага келаётган хорижлик сайёҳлар учун вилоятда бор-йўғи иккигина меҳмонхона бор эди. Бирини вилоят маркази Урганчда, иккинчисини Хиванинг ўзидан. Икки қаватли кўрмисиз-гина. Хизмат кўрсатиш ҳам шунга яраша. Вилоятдаги «Сайёҳлик идораси» эса «филиалларнинг филиали рўсумида» фаолият юритарди.

Қайсидир қитъадан минг машаққат билан таъриф бўлган сайёҳларнинг аксар ҳолларда мўъжизалар ўрнига таъмирталаб, ҳароба обидаларни кўришга мажбурлиги, хизмат кўрсатиш тизимидан норозиликлари яқин ўтмишга хос одатий ҳолат эди. Неча асрларни кўрган, кўп қадам меъморий услубда бунёд этилган аксар ёдгорликларнинг «омбор», «атеизм уйи», «устахона»га айланганлиги, сайёҳлар нигоҳидан аширинганлигига ҳам қўйикандик.

«Ҳар бир тошингизда тарих бор...»...Истиқлолнинг дастлабки йили. Олмонийлик ўлкашунос-тарихчи Якуб Тоубе Хоразмга келган. Нафақат Хива балки Ҳазораспдаги машур Дев қалъа, Боготдаги Қалъажик харобаларини томоша қилиб, ҳайратини яшира олмаган: «Бизларда бир аср муқаддам қурилган эски тегиртирмонни кўз қорачиқидек асрашади, сайёҳларга кўз-кўз қилишади. Неча минг йиллик меъморий иншоотларнингиз бор-а! Аммо улар қаровисиз ётибди. Бу деворлар, ташларда қанчалуб тарих яширин!»

Айнан ўша пайтларда қадим қадриятлар ҳақида баралла ай-тила бошлаган, кўп қадим меъморий обиди, иншоотларни обод қилиш, таъмирлаш ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлаётганди. Кейин Хиванинг 2500 йиллик тўйи бутунжаҳон миқёсда нишонланди. Байрам тадбирлари хорижлик меҳмонлар — таниқли илм-фан намонадарлари ташриф буюришди. Байрам муносабати билан шаҳарнинг Ичон ва Дишон қалъалари ҳудудидаги барча меъморий ёдгорликлар қайта таъмирланди. Шу-роқ даврида омборхона, устахона вазиқасини ўтаб, вайро-

қадим қадриятлар ҳақида баралла ай-тила бошлаган, кўп қадим меъморий обиди, иншоотларни обод қилиш, таъмирлаш ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлаётганди.

Иккигина меҳмонхона бўларди... Бундан йигирма йил олдин қадим Хивага келаётган хорижлик сайёҳлар учун вилоятда бор-йўғи иккигина меҳмонхона бор эди. Бирини вилоят маркази Урганчда, иккинчисини Хиванинг ўзидан. Икки қаватли кўрмисиз-гина. Хизмат кўрсатиш ҳам шунга яраша. Вилоятдаги «Сайёҳлик идораси» эса «филиалларнинг филиали рўсумида» фаолият юритарди.

Давоми. Боши 1-бетда.)

«АГРОБАНК» КРЕДИТЛАРИ — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Advertisement for Agrobank featuring the bank logo, text describing credit services for agriculture, and a large background image of a modern agricultural processing plant.



БОЛАЛИК ҚУВОНЧЛАРИ

Юртимизда Халқаро болаларни химоя қилиш кунига бағишланган тадбирлар давом этмоқда.



Ички ишлар вазирлигининг Маданият саройида ҳам байрам тадбири кўтаринки руҳда ўтказил-

ди. Байрамга хизмат вазифини бажариш вақтида ҳалок бўлган хизматчилар оиласи ҳамда соҳа ходимлари фарзандлари таклиф этилди.

Саҳна кўринишлар, мультфильм қахрамонлари билан учрашувлар, интерфаол ўйинлар, ашула ва рақс ансамбли томонидан намойиш этилган театрлаштирилган томошалар болажонларда катта қизиқиш уйғотди.

Альбина ЖУМАНОВА

2013 — Обод турмуш йили

РЎЗҒОР ТЎКИНЛИГИ ХУНАРДАН

Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, касаначиликни ривожлантиришга катта имкониятлар яратиш берилмоқда. Китоблик Анжела Каримова шу имкониятлардан фойдаланиб, 2011 йилда «Карима Анжела» хусусий фирмасини ташкил этган эди.

Соҳани ривожлантириш учун «Микрокредитбанк»нинг туман бўлимидан олган 20 миллион сўм кредит эвазига хунармандчилик ва маиший хизмат кўрсатиш цехини ишга туширди. Айни пайтда йиғирма нафардан ортқ хунарманд хотин-қиз фирма атрофида бирлашиб, уй меҳнати билан шугулланмоқда.

— Буюртма асосида турли хил кийим-кечаклар тикишдан ташқари, қурқчилик, зардўзлик бўйича ўн турдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқараямиз, — дейди А.Каримова. — Маҳсулотларимиз асосан қадимий санъат турларига мансуб бўлганлиги учун юртимизга келаятган хорижий меҳмонларнинг эътиборини тортмоқда. Тошкент, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларимиздаги тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузиб, маҳсулот етказиб бераймиз. Хунарли кам бўлмади, деган нақл тўғрисида ўз фаолиятимизда ана бир бор амин бўлмоқдам.

Абдурашул ПАРДА

Ижтимоий химоя

Ўқувчиларга бепул транспорт хизмати кўрсатилмоқда

Йўловчи ташиш транспорти ишини бошқариш Фарғона вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон туманидаги «Автохамкор» МЧЖ раиси Раҳматилло Убайдуллаев сўз сўради. Йиғилишда комиссия аъзолари, вилоятдаги аҳолига транспорт хизмати кўрсатадиган икки юздан зиёд уюшма ва ташкилот вакиллари қатнашган эди.

— Бир неча йилдирки, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш келаямиз. Кўпчилигимиз 2-3 та транспорт воситаси билан иш бошлаган эдик. Бугун 20-30 та транспорт воситасига эгамиз. Шунга яраша даромад ҳам кўраёмиз.

Хукуматимиз тадбиркорликнинг бу йўналишида талайгина қонуний имтиёزلар яратиб берди. Йўллар жаҳон андозлари асосида қайта қурилиб, янгилари барпо этиляпти. Хўш, биз-чи? Шуларни ўйлаб туриб, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар борлигини ҳисобга олиб, бир қарорга келдик. «Автохамкор» транспорт воситалари бугундан

бошлаб мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларига бепул хизмат кўрсатади.

Залда қарсақлар янгради. Барчанинг кайфияти, қулфи дили очилиб кетди. Бирданга беш, ўн, йигирма чоғли қатнашчи сўз сўради.

— Очиги, Раҳматилло ака менинг ҳам дилимдагини айтди, — деди Бувайда туманидаги «Экслюзив» МЧЖ раиси Зоир Абдурахимов. — Биз ҳам бу ташаббусга қўшилаемиз.

Яна кўплаб транспорт корхоналари вакиллари кетма-кет сўзга чиқиб, вилоятда мактаб, лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини бепул ташиш ташаббусини қўллаб-

қувватлади.

— Йўловчи ташиш корхоналари жамоаларининг бу ташаббуси ниҳоятда ибратли, — дейди Бувайда педагогика коллежи директори, Олий Мажлис Сенати аъзоси, УэХДП фаоли Раҳимахон Кўрғонова. — Ўқувчиларни бундай ижтимоий химоя қилиш, айниқса, ҳозирги кунда мактаб битирувчиларига қўл келади. Чунки битирувчилар эртага бошқа ҳудуддаги лицей ва коллежларга бориб ўқишлари керак. Шу боис ўқувчиларга транспорт воситаларида бепул хизмат кўрсатиш қарори вақтида қабул қилинди.

Гарчи 1 сентябрдан ўқувчиларга бепул хизмат кўрсатишга қарор қилинган бўлса-да, анжуманининг эртасигаёқ вилоятнинг бир неча йўналишларида битирув имтиҳонларига шошилаётган ўқувчиларга бепул хизмат кўрсатилмоқда.

Мухаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Футбол

Бугун футбол бўйича келаси йили Бразилида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати Осиё минтақаси тўртинчи босқичи саралаш учрашувлари ўтказилади. Унда мусобақанинг «А» гуруҳида Ливан — Жанубий Корея, Қатар — Эрон терма жамоалари ўзаро куч синашади.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси эса дам олади. Ҳамюртларимиз навбатдаги ўйинни 11 июнь кuni Сеулда Жанубий Корея футболчиларига қарши ўтказлади. Унгача яъни 6 июнь кuni футболчиларимиз Хаххот шаҳрида Хитой миллий терма жамоаси билан ўртоқлик ўйинида майдонга тушади.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БАҲСЛАР АРАФАСИДА



Мазкур ўқув-машғулот йиғинига терма жамоамиз бош мураббийи таркибга бир йўла 35 нафар футболчини жалб этишга қарор қилди. Ҳозирда ўз гуруҳида олти учрашудан сўнг, 11 очко жамғарган Ўзбекистон миллий терма жамоаси биринчи погонани банд этиб турибди. Футболчиларимизнинг кейинги босқичга тўғридан-тўғри йўланмани қўлга киритиши учун камда ана тўрт очко зарур бўлади. Тақвимга мувофиқ, ҳамюртларимиз охир-

ги турнир 18 июнь кuni Тошкентда Қатар футболчиларига қарши ўтказлади. Эслатиб ўтамиз, ҳамюртларимиз ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун бугун Хитойга жўнаб кетди. Жаҳон чемпионати саралаш босқичидан жой олган Жанубий Корея — Ўзбекистон терма жамоалари ўйини эса 11 июнь кuni Тошкент вақти билан соат 15.00 да бошланади.

Эркин ХОЛБОБО

Эълон

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қурилиши, реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб, фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚС сиз	ҚҚС билан	
Лот-1	Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 4н513 «и» автомобиль йўлидан Халпон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	426 666 667 сўм	512 000 000 сўм	8,5 ой
Лот-2	Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 4н513 «и» автомобиль йўлидан Гирдикўрғон қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	479 166 667 сўм	575 000 000 сўм	8,5 ой
Лот-3	Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги 4н513 «и» автомобиль йўлидан Омондара қишлоғига шохобча йўлидаги Омондара сойи устига кўприк қуриш	468 333 333 сўм	562 000 000 сўм	8,5 ой
Лот-4	Самарқанд вилояти, Кўшрабод тумани «Жўш қ. — Миришкор қ.» автомобиль йўлининг 2-км.даги Булоқбошисой устига қурилган кўприкда юз берган табиий офат оқибатларини тугатиш ишлари	278 660 098 сўм	334 392 118 сўм	7,5 ой

Қурилиш ишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй. телефон: (8366) 231-10-93.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизimini мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот-4 объекти

бўйича пудрат ташкилотини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари ке-

рак: танлов савдолари предмети қийматининг камиди 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағнинг мажбурияти ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, иш-

ри қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Тел. 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари бир тўпلامининг қиймати — 80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кuni ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камиди 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Murodilla ABDULLAYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Farruh HAMROYEV
Ulug'bek VAFYOEV	Muslihidin	(Bosh muharrir 1-o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49; Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqliq targ'ibot — 233-12-56; Sport va vaqtotparvarlik — 233-44-55; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kothibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 646 Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 20.40 Topshirilgan vaqti — 23.00

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2000-7433



1 2 3 4 5